

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2025 йил 17 сентябрь куни жиноят ишлари бўйича Бўка туман суди, жиноят ишлари бўйича Чиноз туман суди биносида, очик суд мажлисида, раислик қилувчи: Ш.Абдуқодиров,

судья ёрдамчиси А.Очиловнинг котиблигида, тарафлардан Чиноз туман прокурорининг ёрдамчиси А.Хамраев,

судланувчи П.Б.Ш., унинг манфаатларини ҳимоя қилган ҳимоячиси “ODILLIK PRINSIPI” адвокатлик бюроси адвокати М.Мирахмедоваларнинг иштирокида,

П.Б.Ш.га нисбатан 1-1105-2501/182-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

П.Б.Ш.–07.03.19... йилда Тошкент вилоятида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, вақтинча ишсиз, оилали, 4 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган: жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар судининг 16.06.2025 йилдаги ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган, жазо муддатини ўтамаган; Тошкент вилояти, Чиноз тумани, ... м.ф.й., ... кўчаси, ...-уйда яшовчи, иш бўйича “муносиб ҳулқ-атворда бўлиш тўғрисида тилхат” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов ҳулосаси нусхасини олган ва

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 276-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, дастлабки тергов жараёнида, судда тўпланган далилларни текшириб ва муҳокама қилиб, жиноят ишидаги ҳужжатларни таҳлил қилиб, тарафларнинг музокаралари ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи П.Б.Ш. муқаддам содир қилган жинояти учун тергов ҳаракатлари ва суд жараёни бўлаётганлигига қарамасдан, шу даврда гиёҳвандлик воситалари билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этиб, гиёҳвандлик воситаларини кўп миқдорда ўтказиш мақсадини кўзламай қонунга хилоф равишда ўзини истеъмоли учун сақлаб келаётганлиги аниқланиб, жумладан, 2025 йил май ойи бошида Чиноз тумани ... МФЙ ҳудудидан оқиб ўтган “Куркулдак” канали бўйида ўсиб турган “марихуана” ўсимлиги барг ва тўпгулларини юлиб олиб яшаш хонадонига олиб келиб қуриб бир қисмини ёғда қовуриб косага солиб ошхонасидаги шкаф ичига, қолган қисмини хонадон ёрдамчи хонасидаги тоғора ичига полимер пакетга жойлаб кейинчалик истеъмол қилиш мақсадида сақлаб келган, бундан хабар топган Чиноз туман ИИБ ТҚХ ЖКБ



ходимлари 2025 йил 9 июнь куни соат тахминан 13-00ларда “Қорадори 2025” кенг қамровли профилактик-тезкор тадбири давомида судланувчи П.Б.Ш.ни Чиноз тумани, ... МФЙ, ... кўчаси ...-уйи ва ёрдамчи хўжаликлари холислар иштирокида кўздан кечирилган вақтида хонадон ҳовлисидаги хонтахта устидаги тоғора ичида вазни 174,38 грамм куритилган “марихуана” ҳамда ошхонада жойлашган шкаф ичидаги косадан вазни 104,58 грамм куритилмаган ёғда қовурилган “марихуана” гиёҳвандлик воситаси борлиги аниқланиб холислар иштирокида баённома тузилиб далилий ашё тариқасида ҳужжатлаштириб олинган.

2025 йил 12 июндаги №1246-сонли кимёвий экспертиза хулосасига кўра П.Б.Ш.ни хонадонидан олинган қора рангли полимер пакет ичидаги ўсимлик моддаси куритилган майдаланган ҳолдаги ўсимлик тўпгуллар ва баргларида ташкил топган таркибида фаол гиёҳванд модда – тетрагидраканнабинол мавжуд бўлган соф вазни **104,08** грамм бўлган “**Ёғда қовирилган МАРИХУАНА**” гиёҳвандлик моддаси эканлиги кўрсатилган.

2025 йил 12 июндаги №1245-сонли кимёвий экспертиза хулосасига кўра П.Б.Ш.ни хонадонидан олинган қора рангли полимер пакет ичидаги ўсимлик моддаси куритилган майдаланган ҳолдаги ўсимлик тўпгуллар ва баргларида ташкил топган таркибида фаол гиёҳванд модда – тетрагидраканнабинол мавжуд бўлган соф вазни **173,88** грамм бўлган “**МАРИХУАНА**” гиёҳвандлик моддаси эканлиги кўрсатилган.

Суд мажлисида **судланувчи** тариқасида сўроқ қилинган **П.Б.Ш.** айбига **тўлик** иқрорлик билдириб, муқаддам гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилганлиги учун судланиб, жазо ўтаб келаётганлигини, ҳозирги кунда мавсумий ишлар билан шуғулланиб келишини, асосан Чиноз тумани деҳқон бозорида ўрик шарбати сотиш билан шуғулланишини, 2025 йил 9 июнь куни у уйда бўлган вақтида соат тахминан 13-00ларда уни уйига туман ИИБ ЖҚБ ходимлари келиб чақиришганини, ўзларини унга таништириб уни уйини кўздан кечиришларини, бунинг учун “Қорадори 2025” кенг қамровли профилактик-тезкор тадбири давомида уйини кўздан кечиришларига рухсат сўраганида у розилик берганини, шундан сўнг уни уйини икки нафар холислар иштирокида кўздан кечиришни бошлашганини, кўздан кечириш вақтида хонадон қўйхонаси олдида жойлашган тахтадан ишланган хонтахта борлигини, устида темирдан ишланган тоғора ичидаги қора рангли полимер пакет ичида у томонидан қуритиб солиб қўйилган “наша” гиёҳванд воситаси борлиги аниқланганини, шундан сўнг уйининг ошхонасига кирилганда, ошхона шкафи ичидаги косада ўзи томонидан истеъмол қилиши учун ёғда қовурилган “наша” гиёҳванд воситаси борлиги аниқланганини, ИИБ ходимлари ундан ушбу нарса нима деб сўрашганида, у уларга ушбу уйдан аниқланган нарсалар “наша” гиёҳванд воситаси эканлигини, ушбу нашани у 2025 йил тахминан май ойининг бошларида маҳалласида жойлашган “Қуркулдак” канали бўйида ўсиб турганлигини кўриб бир қисмини юлиб олганини, юлиб олган нашани уйга олиб келиб бир қисмини уйда товада қовурганини, маълум қисмини истеъмол қилиб қолганини косага солиб шкаф ичига солиб қўйганини, қолган қовурилмаган қисмини қора рангли пакетга



солиб қўйхона томондаги хонтахта устидаги тоғорани ичига солиб кейинчалик истеъмол қилиш учун яшириб қўйганини, ушбу уни уйдан аниқланган моддалар у ва икки нафар холисларнинг иштирокида пакетга солиб муҳрланиб ҳужжатлаштириб олинганини, кейин у ҳолат юзасидан тушунтириш хати ёзиб берганини, барча ҳаракатлар қонуний тартибда амалга оширилганини, бундан олдин ҳам шу ишни қилганлиги учун тергов ва суд жараёни бўлганлигини, олинган гиёҳвандлик воситаси олдинги ишидан қолган эски моддалар бўлганлигини, ИИБ ходимлари ундан нима учун наша гиёҳвандлик моддасини яшаш хонадонида сақлаб келаётганлигини сўрашганида у уларга ўзининг истеъмоли учун сақлаб келаётганлигини, бирон кимга ўтказиш ёки сотиш мақсади йўқлигини айтганлигини, ҳозирда қилмишидан пушаймонлигини, бу каби ҳолат бошқа такрорланмаслигини баён қилиб, суддан унга нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатувлар берди.

Судланувчи **П.Б.Ш.** айбига **тўлиқ иқро**р бўлса-да, унинг айби қўйидагилар билан ўз исботини тўлиқ топади.

Суд мажлисида **гувоҳ** тариқасида сўроқ қилинган **М.М. Чиноз** туманида профилактика инспектори бўлиб ишлашини, жинойт қидирув ходимлари билан холислар иштирокида 2025 йил 9 июнь куни ИИБ ходимлари билан биргаликда Чиноз тумани, МФЙ, ... кўчаси ...-уйда яшовчи П.Б.Ш.нинг уйида иштирокчиларга Республикада “Қорадори-2025” кенг қамровли профилактик тезкор тадбир ўтказилаётганлигини, шунинг учун мазкур хонадонни кўздан кечиришларини маълум қилиб, уларга қарорни ўқиб таништирилганини, шундан сўнг холисларга ЖПКнинг 74-моддасида кўрсатилган ҳуқуқ ва мажбуриятлари тушунтирилганини, шундан сўнг ИИБ ходимлари улар ва уй эгаси Б.П.нинг иштирокида яшаш хонадони ва ёрдамчи хўжаликлари кўздан кечириш бошланганини, кўздан кечириш вақтида хонадон ёрдамчи хўжалигига кирганини, у ерда тахтадан ишланган хонтахта борлиги, устида темирдан ишланган тоғора, тоғора ичидаги қора рангли полимер пакетда ўткир хидли яшил рангли наша гиёҳванд воситасига ўхшаш модда борлиги аниқланганини, шундан сўнг ушбу уйнинг ошхонасига кирилганда, ошхона шкафи ичидаги оқ рангли косада ёғда қовурилган гиёҳванд воситасига ўхшаш модда борлиги аниқланганини, уй эгаси Б.П.дан ушбу нарсалар нима деб сўралганида, ушбу уйдан аниқланган нарсалар наша эканлигини, ушбу нашани даладан ёввойи тарзда ўсиб турган жойидан юлиб олиб, истеъмол қилиши учун сақлаб келаётганлигини маълум қилганини, олинган гиёҳвандлик воситалари эски эмас балки энди тайёрланган янги ҳолатда бўлган гиёҳвандлик моддалар бўлганлигини, шундан сўнг ИИБ ходимлари ушбу аниқланган майдаланган гиёҳвандлик воситасини экспертиза тадқиқоти учун пакетларга солиб баённомага расмийлаштириб олиш жараёнида туман ИИБ ходимлари томонидан тарафларга нисбатан руҳий ёки жисмоний тазйиқ ўтказилмаганлигини, бўлиб ўтган ҳолат юзасидан тегишли ҳужжатлар расмийлаштирилганлигини баён қилиб кўрсатувлар берди.



Суд мажлисида судланувчи ва бошқа тарафларнинг розилиги билан судга келмаган **гувоҳ Д.Т. ва С.В.ларнинг** дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари ўқиб эшиттирилди.

Бундан ташқари, судланувчи **П.Б.Ш.нинг** мазкур жиноятни содир этишдаги айби дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текширилган қуйидаги далиллар, яъни *ИИО ФМБ ходимларининг билдиргиси, тушунтириш хатлари, ашёвий далилларни олиш ҳақида баённомалар, кўрсатувларни воқеа содир бўлган жойда текшириш баённомаси ва унга илова қилинган фотожадваллар, судга оид кимёвий экспертиза хулосаси, наркология диспансерининг далолатномаси, шунингдек, иш материалларида мавжуд бўлган бошқа объектив далиллар билан ўз тасдиғини тўлиқ топади.*

Суд, судланувчини жиноий ҳаракатларига юридик баҳо бериб, қуйидаги хулосага келди:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги **“Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида”**ги 12-сонли қарорининг 6-бандида *“Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаш деганда, шахснинг бундай восита ва моддаларга қонунга зид равишда эгаллик қилиши (шу жумладан шахсан истеъмоли) билан боғлиқ қасддан содир этилган ҳаракатлари (ёнида, бинода, махфий ер ва бошқа жойларда сақлаши) тушунилиши лозим. Бунда шахс қанча вақт давомида гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддаларни қонунга хилоф равишда сақлаганлиги аҳамият касб этмайди”* деб белгиланган.

Суд, юқоридаги Пленум қарори тушунтиришлари, иш ҳолатлари ва тўпланган далилларни инобатга олиб, судланувчининг жиноий ҳаракатлари юридик квалификациясига ҳуқуқий баҳо бериб, судланувчи **П.Б.Ш.нинг** жиноий ҳаракатлари дастлабки тергов органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **276-моддаси 2-қисмининг “а” банди**, яъни *“гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш, кўп миқдорда содир этилишида”* ифодаланган жиноят белгилари билан **тўғри** квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Лекин суд, дастлабки тергов органлари томонидан судланувчи **П.Б.Ш.нинг** жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **276-моддасининг 2-қисмининг “б” банди**, яъни *гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзламай, қонунга хилоф равишда тайёрлаш, сақлаш, эгаллаш, ташиш ёки жўнатиш, илгари гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятни содир этган шахс томонидан содир этилишида”* ифодаланган жиноят белгилари билан **нотўғри** квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Чунки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 32-моддасининг 2-қисмида: *“агар шахс илгари содир этган қилмиши учун жавобгарликдан ёки*



жазодан озод қилинган бўлса, жиноят такроран содир этилган деб топилмайди” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 34-моддасининг 2-қисмида: “илгари ҳукм қилинган жиноятига ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодексда алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши хавфли рецидив жиноят деб топилди” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 78-моддасида “Судланганлик шахснинг содир этган жинояти учун ҳукм этилганлигидан келиб чиқадиган ҳуқуқий ҳолатдир. Жазо тайинланган айблов ҳукми қонуний кучга кирган кундан бошлаб шахс судланган деб ҳисобланади. Суд томонидан жазодан озод қилинган шахс судланмаган деб ҳисобланади. Судланганлик ушбу Кодексда назарда тутилган ҳолларда ва шахс янги жиноят содир этгандагина ҳуқуқий аҳамиятга эга бўлади. Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги ёки судланганликнинг олиб ташланиши муносабати билан унинг барча ҳуқуқий оқибатлари бекор бўлади” деб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2017 йил 28 апрелдаги “**Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишга оид жиноят ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида**”ги 12-сонли қарорининг 27-бандида: “Судларнинг эътибори шунга қаратилсинки, шахснинг ЖК 270-моддаси иккинчи қисми «а» банди, ЖК 271-моддаси иккинчи қисми «а» банди, ЖК 273-моддаси учинчи қисми «а» банди, ЖК 274-моддаси тўртинчи қисми «а» банди, ЖК 276-моддаси иккинчи қисми «б» банди билан жиноий жавобгарлиги, у муқаддам ЖК XIX бобида назарда тутилган бирон-бир содир этган жинояти учун судланган ҳолдагина келиб чиқади. Агар шахс муқаддам содир этган жинояти учун жиноий жавобгарликдан озод этилган ёки судланганлик ҳолати тугалланган ёинки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлса, қилмиш мазкур белги билан квалификация қилиниши мумкин эмас”лиги белгиланган.

Дастлабки тергов даврида тўпланган ва судда текшириш йўли билан аниқланган далилларга кўра, судланувчини мазкур жиноятни содир этганга қадар муқаддам гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар учун жиноий жавобгарликка тортилганлиги ёки судланганлиги ҳолати аниқланмади.

Юқорида баён этилганларни инобатга олиб, суд судланувчи **П.Б.Ш.**нинг айбловидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **276-моддасининг 2-қисмининг “б” банди**ни чиқаришни лозим топади.

Суд, судланувчи **П.Б.Ш.**га жазо тайинлашда судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар сифатида баҳолайди, жиноятни паст ниятларда



содир қилганлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасига асосан жазони оғирлаштирувчи ҳолат сифатида баҳолайди.

Шунингдек, суд судланувчи **П.Б.Ш.**га жазо тури ва миқдорини белгилашда содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7,8-моддаларида кўрсатиб ўтилган одиллик ва инсонпарварлик тамойиллари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори талабларидан келиб чиқиб, жазо тайинлашда судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, оилавий ва моддий шароитини, оиласининг ягона боқувчиси эканлигини Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг, шунингдек, у томонидан содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини, муқаддам шу каби қасддан содир қилган жинояти бўйича тергов ҳаракатлари ва суд жараёни бўлаётган даврда ва эҳтиёт чораси очикда қолдирганлигига қарамасдан, ўзига тегишли хулоса чиқариб олмасданшу даврида жиноят содир қилганлигини, унга нисбатан ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши лозимлигини, унга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури тайинланган тақдирда келгусида яна қасддан жиноятлар содир этишга мойиллиги борлигини, унинг келгусидаги жиноий фаолиятини олдини олиш лозимлигини инобатга олиб, Жиноят кодексига белгиланган айб учун жавобгарлик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига риоя қилинган ҳолда унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 57,72-моддаларини қўлламасликни ва унинг ҳаракатлари учун талқин этилаётган Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **276-моддаси 2-қисми** санкциясида назарда тутилган **озодликдан маҳрум қилиш** жазо турини тайинлашни лозим топади.

Иш ҳужжатларига кўра, судланувчи **П.Б.Ш.**га муқаддам жиноят ишлари бўйича **Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар судининг 16.06.2025 йилдаги** ҳукмига кўра Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 276-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган ва жазо муддатини ўтамаганлиги аниқланди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 59-моддасининг 8-қисмига кўра “Агар иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин маҳкумнинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланса ҳам жазо ўша тартибда тайинланади. Бундай ҳолда жиноятлар мажмуи бўйича суд томонидан тайинланган жазо муддатига биринчи ҳукм юзасидан жазонинг ўталган қисми қўшилади” деб кўрсатилган.

Судланувчи **П.Б.Ш.**га муқаддам иш бўйича ҳукм чиқарилганидан кейин унинг ана шу иш бўйича чиқарилган ҳукмга қадар содир этилган яна бошқа жиноятда айбли эканлиги аниқланганлигини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **59-моддасининг 8-қисмига** асосан жиноятлар мажмуи бўйича жазо тайинлашни лозим топади.



Суд, наркология диспансерининг **18.06.2025** йилдаги **52-сонли** далолатномасига асосан **П.Б.Ш.**ни гиёҳвандликдан мажбурий **даволанишга мухтож эмаслиги** аниқланганлигини инобатга олиб, унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 96-моддасини қўлламасликни ва мажбурий даволаниш белгиламасликни лозим топади.

Шу билан бирга суд, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 211-моддасига асосан, жиноят иши бўйича далилий ашё сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган умумий вазни **104,08 грамм “ёғда қовирилган марихуана”** гиёҳвандлик воситасини ва умумий вазни **173,88 грамм “марихуана”** гиёҳвандлик воситасини тегишли тартибда йўқ қилишни лозим деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460-463, 465-468, 472-473-моддаларига мувофиқ, суд

ҲУКМ ҚИЛАДИ:

П.Б.Ш.- Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси **276-моддаси 2-қисмининг “а” бандида** назарда тутилган жиноятни содир этишда айбдор деб топилсин ва унга мазкур модда билан **3 йил 2 ой** муддатга **озодликдан маҳрум қилиш** жазоси тайинлансин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг **59-модда 8-қисми ва 61-моддаларида** назарда тутилган қоидаларга мувофиқ **П.Б.Ш.**ни жиноят ишлари бўйича **Тошкент вилояти Янгийўл шаҳар судининг 16.06.2025 йилдаги ҳукмига кўра** тайинланган жазони қисман қўшиш йўли билан узил-кесил ўташлиги учун **3 (уч) йил 3 (уч) ой** муддатга **озодликдан маҳрум қилиш** жазоси тайинлансин.

Жазо манзил колонияларда ўтатирилиши белгилансин.

Жазони ўташ муддати **17.09.2025** йилдан бошлаб ҳисоблансин.

П.Б.Ш.га нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси ўзгартирилиб, суд мажлиси залида қамоққа олинсин ва Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖИЭД Марказий тергов ҳибсхонасига жойлаштирилсин.

Жиноят иши бўйича далилий ашё сифатида олинган ва Ўзбекистон Республикаси ДХХ далилий ашёларни сақлаш хонасида сақланаётган умумий вазни **104,08 грамм “ёғда қовирилган марихуана”** гиёҳвандлик воситаси ва умумий вазни **173,88 грамм “марихуана”** гиёҳвандлик воситаси тегишли тартибда йўқ қилинсин.

Манфаатдор тарафларга етказилган моддий ҳамда маънавий зарарни ундириш масаласида фуқаролик тартибида судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлиги тушунтирилсин.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 29-моддасининг 5-қисмида жиноят учун ҳукм қилинган ҳар ким қонунда белгиланган тартибда ҳукмнинг юқори турувчи суд томонидан қайта кўриб чиқилиши ҳуқуқига, шунингдек



афв этиш ёки жазони енгиллаштириш тўғрисида илтимос қилиш ҳуқуқига эга.

Апелляция шикояти ва протестлари ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан ўн сутка ичида, маҳкум, оқланган шахс, жабрланувчи томонидан эса уларга ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан эътиборан шу муддат ичида, ҳукм апелляция тартибида кўрилмаган бўлса, кассация тартибида шикоят ва протестлар шу суд орқали Тошкент вилоят судининг жинойт ишлари бўйича судлов ҳайъатига берилиши мумкин.

Раислик қилувчи:

ИМЗО

Нусхаси аслига тўғри, судья:

Ш.Абдуқодиров

